



**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**Кузатув кенгаши қарори**  
**АЖ СК “АЛСКОМ”**  
**12-сонли баённома иловаси**  
**30.11.2015й**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом «АЛСКОМ» масъулияти чекланган жамиятининг (бундан бўён матнда Компания деб юритилади) Корпоратив маслаҳатчиси лавозимини белгилайди, унинг хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди ва фаолиятини тартибга солади.

1.2. Низом "Акциядорлик жамиятлари ва аксиядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Компания Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Корпоратив маслаҳатчи Компаниянинг Кузатув кенгашига ҳисбот берадиган расмий мансабдор шахс.

## **2. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ**

2.1. Корпоратив маслаҳатчи Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

2.2. Корпоратив маслаҳатчи номзодини кўриб чиқишида ва тасдиқлашда қарор фақат кўпчилик овоз билан Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.3. Корпоратив маслаҳатчининг номзоди компания Кузатув кенгашига жиноят, маъмурий ва бошқа жавобгарлик ҳоллари ҳақида хабар бериши шарт.

2.4. Корпоратив маслаҳатчи номзоди ўзининг номзоди кўриб чиқилаётган Кузатув кенгаши йиғилишига қатнашиши мумкин.

2.5. Номзод Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг, Корпоратив маслаҳатчи билан мажбуриятларни бажариш бўйича меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви тузилади. Корпоратив маслаҳатчи билан меҳнат келишуви ёки меҳнат шартномаси бир йил мутдатга тузилади ва ҳар йили уни муддатини узайтириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Компания номидан шартнома Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

2.7. Корпоратив маслаҳатчи Компания устави шунингдек меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувини бекор қилган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан озод этилади. Корпоратив маслаҳатчисини олиб ташлаш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини ёки меҳнат келишувини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Кузатув Кенгаши томонидан қабул

қилинади. Корпоратив маслаҳатчини озод этиш түғрисидаги асосланган қарор Компания бош директори томонидан хам киритилиши мумкун.

### **3. Корпоратив маслаҳатчининг ваколат ва мажбуриятлари.**

3.1. Корпоратив маслаҳатчи ушбу низомда белгиланган ваколат доирасида, у билан тузилган меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви шартлари, умумий аксиядорлар йиғилиши, Компания Кузатув кенгаши қарорлари доирасида ҳаракат қиласди.

3.2. Корпоратив маслаҳатчининг асосий функсияси бўлиб Компанияда корпоратив қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш ҳисобланади. Ўзининг асосий функсия доирасида Корпоратив маслаҳатчи:

- Компания корпоратив стандартлари ва корпоратив хужжат алмашинувини ўрганади.

- Компаниянинг корпоратив стандартлари ва бошқа хужжатларини жорий қонунчиликка тўғри келмаслик ҳолатларни аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича кузатув кенгашига тегишли таклифларни беради.

- Компания корпоратив органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятининг корпоратив стандартлар ва талаблари ижро интизоми ҳаракатларига жавоб бериши бўйича назоратини амалга оширади.

- хужжатларни кўриб чиқиш учун қабул қиласди ва улар бўйича тегишли тавсияларни беради ёки уларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

- корпоратив хужжатларни ташкил этишда услубий ёрдам беради;

- корпоратив бошқарув ва назорат органлари аъзоларининг ҳамда акционерлар ёки уларнинг аъзоларининг сўровига кўра корпоратив қонунчилик масалалари бўйича ва корпоратив бошқарувнинг энг яхши амалиётини жорий қилиш масалалари бўйича хусусий маслаҳатларни ўтказади.

- корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилисж бўйича таклифларни кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун таёrlайди ва киритади.

- корпоратив қонунчиликка риоя қилиш ҳолати ҳақида кузатув кенгашининг олдида ҳисобот беради ва Корпоратив маслаҳатчига Хулоса тақдим этади.

- Компаниянинг янги корпоратив стандартлари лойиҳаси, ўзгатиришлар, қўшимчалар ёки амаладагисини янги таҳририни Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун таёrlайди ва киритади.

- Кузатув кенгашининг алоҳида фармойишлари бўйича маслаҳат ишларини амалга оширади.

- Кузатув кенгаши ва компаниянинг умумий аксиядорларнинг умумий йиғилишини ташкиллаштириш ҳамда баённомаларни расмийлаштиришда услубий ёрдам кўрсатади.

3.3. Компаниянинг Корпоратив бошқарув ва назорат органлари Корпоратив маслаҳатчини компаниянинг корпоратив ҳодисаларига талуқли барча ҳужжатларнинг нусхалари билан таминлаши шарт.

Бундай ҳужжатлар қаторига қуидагилар киради:

- Компаниянинг Устави Низоми, Компания раҳбар қаторининг мансаб мажбуриятлари, компания қимматли қоғозлар эмиссияси проспексияси;
- Умумий аксиядорлар йиғилиши, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати ва Компания Ҳисоб комиссияси йиғилишларининг баённомалари;
- Компания Корпоратив бошқарув ва назорат органларининг иш режалари ва уларни бажариш бўйича хисботлар;
- Компания бизнес режаси;
- Компаниянинг Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати ва аудиторлик ташкилотининг хulosалари;
- Аффилланган шахслар, йирик келишувлар ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига кўра тан олинган манфаатдор шахслар билан келишувлар ҳақидаги маълумотлар;
- Корпоратив бошқарув ва назорат органлари қарорларининг ташувчилари хисобланмиш бошқа ҳужжатлар ҳамда ушбу қарорларнинг объекти бўлмиш ҳужжатлар.

Корпоратив маслаҳатчи ўз ҳизмат вазифасига кўра, Компания раҳбарияти билан келишган ҳолда корпоратив ҳодислар ва ўзаро муносабатлар билан боғлиқ, жумладан, компаниянинг аксиядорлар рийестири, аксиядорлар ва Компаниянинг бошқа манфаатдор шахсларининг ёзма мурожатномалари, компаниянинг ички ва ташқи ёзишмалари билан боғлиқ Компаниянинг бошқа ҳужжатларини олиш хуқуқига эга.

3.4. Корпоратив маслаҳатчи олинган ҳужжатлар нусхаларининг сакланиши учун жавобгардир. Корпоратив маслаҳатчи билаан меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви тутатилганда унга топширилган барча ҳужжатларни тақдим этишга мажбур.

3.5. Корпоратив маслаҳатчининг иш шароитлари ва моддий рағбатлантириш ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувига кўра келишилади ва амалга оширилади.

#### **4. Корпоратив маслаҳатчининг иш тартиби.**

4.1. Корпоратив маслаҳатчи ўз функцияларини ҳам доимий асосда, ҳам ўриндошлиқ (меҳнатга вақт бай ҳақ тўлаш) асосида амалга оширилади.

4.2. Кузатув кенгаши бир тарафлама тартибда Корпоратив маслаҳатчига унинг иш режасида акс эттирилмаган ишлар бўйича топшириклар бериши мумкин. Бундай

топшириқларнинг тури Корпоратив маслаҳатчи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувида кўзда тутилган бўлиши керак.

4.3. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув ва назорат органларининг режалаштирилаётган ҳар қандай йиғлишлари ҳақида ҳабардор қилинишлари шарт. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув назорат органларининг ҳар қандай йиғлишларига қатнашиши лозим. Корпоратив маслаҳатчи ушбу йиғлишларда келишилган овоз бериш хуқуқи билан қатнашади.

## **5. Корпоратив маслаҳатчининг жавобгарлиги**

5.1. Корпоратив маслаҳатчи у меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахслар манфаатлари ва мақсад йўлида унга хизмат вазифасига кўра берилган хуқуқлардан фойдаланиши керак эмас.

5.2. Корпоратив маслаҳатчи Компания мулки эгалигидан шахсий фойда олиш харакатларига йўл қўймаслиги лозим.

5.3. Корпоратив маслаҳатчи Компания олдида ўз функцияларини тўлиқ бажармаслик натижасида унга етказилган зарар учун зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва компания Уставига кўра жавобгарлигини олиб боради.

## **6. Корпоратив маслаҳатчини рағбатлантириш**

6.1. Корпоратив маслаҳатчи ўз хизмат мажбуриятларини бажариш бўйича фаолияти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва мукофот олиш хуқуқига эга.

6.2. Иш ҳақи ва мукофот миқдори Кузатув кенгаши раиси томонидан белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳаражатлар Компаниянинг йиллик бизнес режаси смета-ҳаражат қисмида акс эттирилади.

6.3. Иш ҳақи миқдори қўйидаги ҳолатларда ўзгариши мумкун:

- Корпоратив маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуvinи янги муддатга қайта тузиш;

- Ўзбекистон Республикаси бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгариши;

- Корпоратив маслаҳатчининг меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувига аввалги меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувида кўзда тутилмаган функционал мажбуриятларнинг кўпайиши муносабати билан ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш.

## **7. Якуний қоидалар.**

7.1. Ушбу низомга Компания Кузатув кенгашининг қарорига биноан ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.2. Ушбу низомнинг амал қилиш даври чекланмаган.

7.3. Ушбу низом тасдиқланган санадан бошлаб 09.04.2011й. да Кузатув кенгаши ийғлишида тасдиқланган “ОАЖ СК “АЛСКОМ” нинг Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида” ги низоми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.